

## «Масжид бунёдкорлари» номли янги лойиҳаси йўлга қўйилди



### ЯНГИ ЛОЙИҲА: МАСЖИД БУНЁДКОРЛАРИ



11:24 / 01.03.2022 1781

Бугунги кунда юртимиздаги масжидларни обод этиш, уларни қайта бунёд қилиш ва жомеъларни гўзал ҳолатга келтириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунларда ўлкамизда 250 та масжидда қайта қуриш ишлари давом этмоқда, жорий йил охирига қадар яна 160 та жомеъени янгидан қуриш ишлари бошланади, инша Аллоҳ.

Қайд этиш керакки, масжидларни обод қилишга ҳарис халқимизнинг холис ниятда қилган хайрияларини алдов йўли билан ўзлаштирмоқчи бўлган айрим кимсалар ҳам, афсуски учраб турибди.

Шу боис, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан muslim.uz сайтида «Масжид бунёдкорлари» номли янги лойиҳаси йўлга қўйилди.

Унда қурилиши бўлаётган масжидлар рўйхати, ёрдам қилиш тартиби, масъул ходимлар исми-шарифи, боғланиш учун телефон рақамлар, жомеънинг эски, ҳозирги ва келгусидаги суратлари ҳамда ҳомийлик учун ҳисоб рақамлар каби маълумотлар тақдим этилади.

Аллоҳ таоло ушбу хайрли лойиҳани муваффақиятли қилсин!

Қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган масжидлар билан ушбу линк орқали танишишингиз мумкин.

<http://muslim.uz/index.php/ayollar-sahifasi/item/31164-maszhid-bunjodkorlari>

<https://t.me/MasjidBunyodkorlari>

<https://taplink.cc/bundaykor>